



**Иргашев Тохир Анварович**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий унверситети  
ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ўқитувчиси

**Зиявиддинов Зафар Зоирович**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий унверситети  
ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ўқитувчиси

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИНИ ТАНЛАШ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада «таълим шакллари» тушунчасининг моҳияти тадқиқотчиларнинг ёндашувлари асосида ёритилган. Шунингдек, таълим шакллари оқилона танлаш талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда самарадорликка эришишнинг муҳим омилларидан бири эканлигига алоҳида урғу берилган. Бу ўринда маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория машғулоти, мусобақа, танлов, тренинг ва ўйин каби таълим шакллари аҳамияти катта эканлиги таъкидлаб ўтилган.

**Таянч иборалар:** талабалар, мулоқот маданияти, ривожлантириш, таълим шакллари, маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория машғулоти, мусобақа, тренинг ва ўйинлар.

**Иргашев Тохир Анварович**

Преподаватель учебного центра военной подготовки  
Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

**Зиявиддинов Зафар Зоирович**

Преподаватель учебного центра военной подготовки  
Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## ВЫБОР ФОРМ ОБУЧЕНИЯ В РАЗВИТИИ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ СТУДЕНТОВ

### АННОТАЦИЯ

В статье на основе подходов исследователей раскрывается понятие «формы обучения». Также предлагается разумный выбор форм обучения студентов в развитии культуры общения, который является одним из наиболее важных факторов для достижения её эффективности. Отмечается важность таких форм обучения как лекции, практические занятия, семинары, лабораторные занятия, соревнования, конкурсы, тренинг и учебные игры.

**Ключевые слова:** студент, культура общения, развитие, формы обучения, лекция, практические занятия, семинары, лабораторные занятия, конкурсы, тренинг и учебные игры.

**Irgashev Tahir Anvarovich**

Teacher of the Military Training Center  
Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

**Ziyaviddinov Zafar Zoirovich**

Teacher of the Military Training Center  
Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

## TRAINING FORMS SELECTION IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS COMMUNICATION CULTURE

### ANNONTATION

The article is based on researchers revealing approaches to definition «teaching forms». And also offers a reasonable selection of student learning forms in the development of communication culture, which is one of the most important factors to achieve its effectiveness. It is noted the importance of teaching forms, such as: lecture, practical exercises, seminars, laboratory sessions, competitions, contests, training and educational game.

**Key words:** students, communication culture, development, teaching forms, lectures, practical lesson, seminars, laboratory classes, competitions, training and educational games.

XXI аср инсоният тарихида иқтисодий соҳаларда технологик жараёнларнинг юзага келиши ва шиддатли ривожланиши даври сифатида эътироф этилди. Ижтимоий-маданий соҳаларда эса шахслараро муносабатлар психологик нуқтаи назардан янада ривожланиб, ўзининг юқори босқичига кўтарилди.

Мазкур ҳолат ўз-ўзидан ижтимоий субъектларни бошқаришда психологик таъсирнинг аҳамияти ошганлигидан далолат беради. Гарчи илгари ижтимоий муносабатлар кадриятли ёндашув, тарихий ворисийлик, миллий анъаналар, катта ёшли шахслар намунаси асосида самарали ташкил этилган бўлса, эндиликда барча омилларни инобатга олган ҳолда пухта асосланган психологик таъсирнинг ўзи кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омили бўлиб қолди. Айни вақтда ижтимоий субъектларни бошқаришда устувор бўлган жисмоний куч, сиёсий ташвиқот ёки иқтисодий қарам қилиш каби тушунчалар мазмунан ўз моҳиятини йўқотди. Аксинча, шахслараро муносабатлар, уларнинг мазмуни, етакчи ғоялари ва кўлами муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шу сабабли ёш авлодни ижтимоий муносабатлар жараёнига самарали тайёрлаш, уларда мулоқот маданиятини ривожлантириш муҳим педагогик вазифа саналади.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим жараёни Республика ёшларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи талабаларнинг мулоқот маданиятига эга бўлишларида алоҳида аҳамият касб этади. Айни ўринда талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг умумий моҳияти хусусида эмас, балки биргина



жиҳати – ана шу мақсадга йўналтирилган таълимнинг ташкилий шакллари тўғрисида сўз юритилади.

Мавжуд педагогик манбаларда «таълим шакли» тушунчасига шундай таърифлар берилди: таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларнинг ташқи ифодасидир<sup>24</sup>, таълим жараёнининг ташкилий қурилиши<sup>25</sup>. Яна бир манбада тушунчанинг мазмуни ишлаб чиқар иш, касб таълими мисолида қўйидагича ёритилган: «ўқитувчининг, ишлаб чиқариш таълими устасининг қўйилган мақсадга эришиш учун касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўқувчиларининг ўқув ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятини белгиловчи таълим жараёнининг тузиш усуллари, ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш усули»<sup>26</sup>; «ўқувчиларнинг конкрет машғулот (дарс)дан кўзда тутилган мақсадга эришиши учун, яъни касб таълими устаси раҳбарлигида ўқув материални онгли ва фаол равишда пухта ўзлаштиришга қаратилган ўқув-тарбия фаолияти»<sup>27</sup> тушунилади.

Юқорида келтирилган дастлабки икки мисолда «таълим шакли» тушунчасининг моҳияти тўғри ифодаланган. Дарҳақиқат, таълим шакли ўқув машғулотларининг ташкилий жиҳатдан тузилиши, педагогик фаолиятнинг ташқи кўриниши сифатида намоён бўлади. Учинчи мисолда «таълим шакли» тушунчасини ифодалашда муаллифлар фикри «таълим жараёнини тузиш усуллари, ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш усули» сифатида эмас, аксинча, «таълим жараёнини тузиш, ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳолати» дея ифодаланганида тасаввур янада ойдинлашган бўлар эди. Зеро, «усул» тушунчаси «шакл»га нисбатан «йўл» ва «метод» атамаларига яқин бўлиб, муайян ҳаракат ёки фаолиятнинг у ёки бу тарзида амалга оширилишини ёритишга хизмат қилади. Тўртинчи мисолда «таълим шакли» тушунчасини «ўқув-тарбия фаолияти» эмас, балки ана шу «фаолиятнинг ташкилий ёки ташқи тузилиши» дея таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлган бўларди.

Демак, таълим шакли муайян мақсадга йўналтирилган фаолият ёки ҳаракатнинг ташқи ифодаси, кўриниши саналади. Маълумки, фалсафада «шакл» ва «мазмун» тушунчалари муҳим фалсафий категориялар сифатида ўрганилади. Агарда мазмун «муайян нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ўзига хос сифати, хусусияти, муҳим белгилари, элементлари йиғиндиси»<sup>28</sup> бўлса, шакл эса «мазмуннинг мавжудлик ҳолати, нарса ва ҳодисаларнинг ички ҳамда ташқи тузилиши»ни<sup>29</sup> ифода этади. Мазкур таъриф «таълим шакли» тушунчасининг моҳиятини янада аниқ ёритишга ёрдам беради. Бироқ, шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, мазкур таърифда ҳам бироз ноаниқлик мавжуд. Зеро, шакл негизида нарсанинг фақатгина ташқи тузилиши

<sup>24</sup> Педагогика назарияси. / Тузув.: Б.Э.Қаюмов ва б. – Ангрэн: Тошкент вилояти ДПИ, 2006. –40-б.

<sup>25</sup> Педагогика. Психология. / Ўқув қўлл. В.М.Каримова – Т.: ТДИУ, 2007. – 127-б.

<sup>26</sup> Ходжабоев А.Р., Хусанов И.А., Нишоналиев У.Н. Касбий таълим методологияси. – Т.: ЎМКХТ тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти қошидаги босмаҳона, 2006. –43-44-б.

<sup>27</sup> Алимова Д.А., Ахметова К.И., Абдуллаева Р.М. Дидактик материаллар мажмуаси ва воситалари. – Т.: ТДИУ, 2006. –359-б.

<sup>28</sup> Фалсафа асослари. / Масъул муҳаррир Қ.Назаров, муҳаррир К.Бўронов. Муаллифлар: Қ.Назаров ва б. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2005. – 173-б.

<sup>29</sup> Ўша жойда.

намоён бўлади. Масалан, «машинанинг шакли» деганда фақатгина унинг ташқи кўриниши, ифодаси инсон кўз олдида гавдаланади, унинг ички тузилиши инсон кўз ўнгида гавдаланмайди. Қолаверса, ҳодиса ички ва ташқи тузилишга эга бўлмайди. Янада аниқроқ айтганда, ҳодиса, шунингдек, воқеа, жараён муайян шаклга эга бўлмайди, аксинча, у сабаб ва оқибатга, айрим ҳолатларда таркибий элементларгагина эга. Нарсанинг ички тузилиши, одатда мазмун асосида ифодаланadi. Масалан, ҳар қандай тарихий ўзгариш, инқилобнинг аниқ, реал бир ташқи кўриниш, шаклга эга эканлиги ҳеч кимга маълум эмас. Бироқ, ҳар қандай тарихий ўзгариш, инқилобнинг сабаб ва оқибатлари, шу билан бирга уни ҳаракатга келтирувчи таркибий элементлар, омиллардан кўпчилик хабардор бўлади. Шундай экан, «шакл» тушунчаси «мазмуннинг мавжудлик ҳолати, нарса, предмет ёки буюмнинг ташқи тузилиши» дея талқин этилганида тўғри бўлган бўларди. Зеро, ҳар қандай нарса, предмет ёки буюмнинг ички тузилиши унинг мазмуни, яъни унга хос сифат, белги ва хусусиятларни ёритиб, нима учун хизмат қилишини англади.

Кўпгина адабиётларда таълимнинг ташкилий шакллари (таълим шакллари) ҳамда таълим методлари (ўқитиш усуллари)ни чалкаштириш ҳолатлари кузатилади. Масалан, Л.В.Голиш таълим методлари (ўқитиш усуллари) тизимини аниқлашга уринади ва мазкур тизимни «ўқувчилар ва ўқитувчининг таълим мақсадларига эришиш бўйича биргаликдаги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш усуллари рўйхати»<sup>30</sup> сифатида белгилайди. Тизимда таълим методлари (ўқитиш усуллари) тўртта гуруҳга ажратилади.

#### **Биринчи гуруҳ:**

- маъруза, ҳикоя, тушунтириш; – намоёиш қилиш, тасвирлаш, видео усул.

#### **Иккинчи гуруҳ:**

- китоб билан ишлаш; – лаборатория иши; – машқ.

#### **Учинчи гуруҳ:**

- ўқув суҳбати;
- думалоқ стол атрофидаги суҳбат;
- мунозара;
- «ақлий ҳужум» (брейн штурминг);
- ишга доир (вазиятли) ўйинлар;
- «Пинборд» техникаси.

#### **Тўртинчи гуруҳ:**

- муаммоли масалалар усуллари;
- шахсий (амалий) усул;
- лойиҳалар усули.

Афсуски, ишда муаллиф таълим методлари (ўқитиш усуллари)ни айнан қандай мезонларга мувофиқ ушбу гуруҳларга ажратганлигига урғу бериб ўтмаган. Мақола муаллифининг фикрича, рўйх атда келтирилган методлар уларнинг моҳияти, назарий ва амалий тавсифига кўра гуруҳларга ажратилган. Яъни:

<sup>30</sup> Алимова Д.А., Ахметова К.И., Абдуллаева Р.М. Дидактик материаллар мажмуаси ва воситалари. – Т.: ТДИУ, 2006. –31-б.

**биринчи гуруҳ:** ўқув ахборотларини таълим олувчиларга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етказиб беришга хизмат қиладиган методлар (улар ёрдамида ўқитувчи ўқувчи ва талабаларга тегишли мавзу бўйича тақдим этиладиган ўқув материалнинг мазмунини ёритиб беради);

**иккинчи гуруҳ:** ўқув ахборотларининг таълим олувчилар томонидан қайта ишланишини таъминловчи методлар (улар тегишли мавзулар бўйича назарий маълумотларни ўзлаштирган ўқувчи ва талабалар томонидан ўқув материали мазмунини қайта баён қилиш, амалий топшириқларни бажариш, кичик тадқиқотлар олиб бориш каби ҳаракатлар ташкил этилади);

**учинчи гуруҳ:** ушбу гуруҳга киритилган методлар ёрдамида таълим олувчилар ўзларининг назарий билим, амалий кўникма, малакаларга эгалликларини намоён этади ёки мавжуд назарий билимларга таянган ҳолда зарур амалий кўникма, малакаларни ўзлаштиришга муваффақ бўлади;

**тўртинчи гуруҳ:** аниқ мавзулар асосида ўқув материални мустақил ўзлаштириш, кичик тадқиқотларни олиб бориш, муаммонинг моҳиятини англаш, ечимини топиш, муайян лойиҳалар билан ишлаш каби амалий ҳаракатларни ташкил этади.

Муаллиф томонидан учинчи гуруҳ сифатида ажратилиб, унга киритилган методлар ўз моҳияти, назарий ва амалий тавсифи жиҳатидан таълимнинг ташкилий шакллари саналади. Одатда таълим жараёнининг ўқув суҳбати, думалоқ стол атрофидаги суҳбат (давралар суҳбати), мунозара (баҳс-мунозара) ҳамда ишга доир (вазаятли) ўйинлар шаклида ташкил этилиши учун ўқитувчи ўқувчи, талабаларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан уюштиради, бошқаради, назорат қилади ва баҳолаб боради. Учинчи гуруҳга киритилган «Ақлий ҳужум» («Брейн штурм») ва «Пинборд техникаси» («Пинборд»), дарҳақиқат, замонавий ўқитиш методлари ҳисобланади.

В.М.Каримова ҳаммуаллифлигидаги «Педагогика. Психология» ўқув қўлланмасида таълимнинг ташкилий шакл (таълим шакл)лари гуруҳ эмас, балки тур сифатида иккига ажратилади:

- 1.Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.
- 2.Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Бу ўринда ҳам муаллифлар томонидан жузъий хатога йўл қўйилган. Бинобарин, синфдарс – таълим шакли эмас, балки Я.А.Коменский томонидан асосланган ўқитиш характерини ифодаловчи тизим саналади. Мақсад таълим шаклини ёритишдан иборат эканлиги инобатга олинса, у ҳолда муаллифлар таълимнинг биринчи турини шунчаки оддий қилиб, «дарс» ёки «назарий характердаги машғулот» деб белгилашганда мақсадга мувофиқ бўларди.

Умуман олганда, таълимнинг ташкилий шакл (таълим шакл)ларини бу тарзда туркумлаштириш тўғри эмас. Тушунишимиз бўйича муаллифлар «синф-дарс шаклида олиб бориладиган» деганда назарий машғулотларни назарда тутишган. Аммо нафақат назарий, балки амалий машғулотлар ҳам ўз моҳиятига кўра «синф-дарс» тизимига мувофиқ амалга оширилади. Яъни, у хоҳ назарий, хоҳ амалий характерга эга бўлишидан қатъий назар тўлақонли шакллантирилган, «бир хил



ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган» таълим олувчилар (синф, олий таълим муассасадаги академик гуруҳ) «одатда бир фан ёки мавзуга бағишланган» машғулот (дарс)да одатда аниқ мавзу бўйича ўқув материалнинг мазмунини назарий ёки амалий жиҳатдан ўзлаштиради. Демак, «синфдарс» тизими фақат назарий машғулотлардагина эмас, шу билан бирга амалий машғулотларда ҳам қўлланилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам тизимни қўллашда таълимнинг у ёки бу шакли танланади. Масалан, маъруза, семинар, амалий машғулот, давра суҳбати, экскурсия ва ҳ.к. каби.

Хўш, юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда таълимнинг қандай шакллари аҳамиятли ҳисобланади. Қуйида ана шу хусусида сўз боради.

Педагогик манбалардан бирида таълим шакллари (ёки таълимнинг ташкилий шакллари) сифатида маъруза, семинар, амалий машғулот, учрашув, такдимот, саёҳат, ўқув конференцияси ва бошқалар қайд этилган. Дарҳақиқат, улар ўз моҳиятига кўра таълим шакллари, яъни, таълим жараёнининг ташкилий қурилишини англатувчи кўринишлар саналади.

Педагогик ёндашувларга таянган ҳолда айни ўринда таълим шакллари батафсил санаб ўтиш имконияти мавжуд. Яъни:

- маъруза;
- семинар;
- амалий машғулот;
- лаборатория машғулоти;
- учрашув;
- такдимот;
- саёҳат (экскурсия);
- конференция (ўқув конференцияси, Online конференция);
- давра суҳбати;
- баҳс-мунозара;
- беллашув (мусобақа);
- маслаҳат (консултация);
- тренинг;
- амалиёт (педагогик, ишлаб чиқариш, ўқув ҳамда дала амалиёти);
- тадқиқот (ўқув тадқиқоти, илмий тадқиқот, амалий тадқиқот, ижодий изланиш);
- ўйин (ролли, ишбилармонлик, интеллектуал ва эвристик ўйинлар);
- ўқув томошалари (театрлаштирилган ўқув томошалари) ва б.

Мақола муаллифи томонидан олиб борилган дастлабки изланишлар таълимнинг мазкур шакллари орасида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қуйидагилар талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда самарали эканлигини кўрсатди:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- семинар;
- лаборатория машғулоти;



- мусобақа;
- тренинг;
- ўйинлар;
- ўқув томошалари.

Талабалар томонидан инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини ўзлаштиришга эришиш мақсадида маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория машғулоти, мусобақа, тренинг, ўйинлар, ўқув томошаларидан бирини танлашда ўқитувчи албатта талабаларнинг эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, жуфтлик ҳамда кичик гуруҳларда ишлаш тажрибаларига эгалиklarини, энг муҳими, уларнинг оғзаки ва ёзма мулоқот, инглиз тилига асосланган диалог жараёнида тил хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мулоқот шартларидан хабардорлик даражасини инобатга олиши лозим. Зеро, бу омилларсиз ўқув машғулотларининг самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Таълимнинг мазкур шакллари талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда бир қатор афзалликларга эга. Улар ёрдамида талабалар:

1) инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятининг назарий асослари, қоидалари, шартларидан хабардор бўлади;

2) инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини амалий жиҳатдан тўғри ташкил этишга муваффақ бўлади;

3) ўзаро ҳамкорлик асосида инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини фаол ташкил этиш малакаларини ўзлаштиради.

Шундай қилиб, «таълим шакллари» тушунчаси аниқ мақсад асосида таълим жараёнини ташкилий жиҳатдан уюштирилиши, ўқув фаолиятининг ташқи курилишини англатади. Замонавий шароитда таълим ўнлаб шаклларда ташкил этилади. Олий таълим муассасаларида таълим шакллари танлашда, одатда, ўқув мақсади, педагог ва талабалар фаолиятининг йўналиши ва мазмуни инобатга олинади. Бинобарин, таълим шакли ҳам ўқитиш метод ва воситалари каби ўқув мақсадига эришишга хизмат қилиши зарур.

Талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда эса маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория машғулоти, мусобақа, тренинг, ўйинлар, ўқув томошалари каби таълим шакллари самарали саналади. Чунки ушбу таълим шакллари ёрдамида талабалар инглиз тилида мулоқотни самарали ташкил этишга оид назарий ва амалий билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришга эришадилар. Шу сабабли талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнида таълимнинг мазкур шаклларидан ўринли, мақсадли, фаол, самарали ва изчил фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Олий таълим муассасаларида талабалар мулоқот маданиятини ривожлантиришда таълим шакллари танлашда педагогларнинг қуйидагиларга эътиборни қаратишлари талаб этилади:

- талабаларда мулоқот маданиятини самарали ривожлантириш мақсадида чет тилини ўрганиш жараёнини ранг-барангликда, яъни фақат маъруза, амалий ҳамда



лаборатория машғулоти тарзида эмас, балки мусобақа, тренинг, ўйинлар, ўқув томошалари каби шаклларда ташкил этиш;

– таълим шакллари талабаларнинг чет тилини ўрганиш имкониятлари, ўқув билиш фаолликлари, шунингдек, ўтилган мавзуларни ўзлаштириш даражасидан келиб чиққан ҳолда танлаш;

– машғулотларнинг семинар, мусобақа, тренинг, ўйинлар ҳамда ўқув томошалари шаклида ташкил этишда мавзунини аввалдан эълон қилиш, талабаларни шартлар ва қоидалар билан таништириш, жуфт, кичик гуруҳ ёки жамоа бўлиб тайёргарлик кўришлари (сценарийни яратиш, ролларни белгилаш ва уларни талабалар ўртасида тақсимлаш, вақт регламентини аниқлаш, ташкилий жиҳатдан уюштириш ва ҳ.к.) учун зарур вақт ажратиш;

– ўқув машғулотларининг турли шаклларда ташкил этишда талабаларга педагоглар томонидан методик ёрдам кўрсатилиши (машғулоти учун зарур дидактик воситаларни тайёрлаш, аудиторияни жиҳозлаш, сценарийни мазмунан бойитиш каби)га эришиш.

– қандай шаклда ташкил этилишидан қатъий назар педагог ва талабалар ҳамкорлигида машғулотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб бориш (зеро, таҳлил натижалари талабаларнинг ўқув-билиш фаолликлари даражасини баҳолаш асосида келгуси ўқув машғулоти шаклини оқилона белгилаш имкониятини яратади).

### Адабиётлар:

1. Алимова Д.А., Ахметова К.И., Абдуллаева Р.М. Дидактик материаллар мажмуаси ва воситалари. – Т.: ТДИУ, 2006.
2. Педагогика назарияси. / Олий таълим муассасалари учун дарслик. Муаллифлар: М.Х.Тохтаходжаева ва б. Проф. М.Х. Тохтаходжаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Moliya-iqtisod», 2010.
3. Педагогика назарияси. / Тузув.: Б.Э.Қаюмов ва б. – Ангрэн: Тошкент вилояти ДПИ, 2006.
4. Педагогика. Психология. / Ўқув қўлл. В.М.Каримова ва б. – Т.: ТДИУ, 2007.
5. Фалсафа асослари. / Масъул муҳаррир Қ.Назаров, муҳаррир К.Бўронов. Муаллифлар: Қ.Назаров ва б. – Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2005.
6. Ходжабоев А.Р., Хусанов И.А., Нишоналиев У.Н. Касбий таълим методологияси. – Т.: ЎМКХТ тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти қошидаги босмаҳона, 2006.